

ЖАЗО ТИЗИМИНИНГ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ ЖАЗО ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Кўчқоров Жалолиддин Нурилла ўғли

Тошкент давлат юридик университети Магистр jalolbek070@gmail.com

Маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашни ҳар томонлама кенгайтиришнинг объектив зарурати жазолар тизимининг халқаро ислоҳотини ҳаётга тадбиқ қилишга олиб келди. У бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ҳужжатларга асосланади ва улардан жиноий жазолар тизимини инсонпарварлаштириш зарурияти юзага келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1990-йилда XVIII Конгрессида қабул қилинган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирлар бўйича минимал стандарт қоидалари жаҳон ҳамжамиятини муқобил жазолардан фойдаланишни кенгайтириш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенг жорий этишга йўл очди. Бундан ташқари, улар жазони ижро этувчи органларга бир қатор жазо чораларини, жумладан, жамоат ишларини бажариш тартибини қўллашни тавсия қилдилар.

Ушбу соҳа бўйича хориж давлатлари тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак, биргина Франция давлатида жиноий ҳуқуқбузарлик учун жазо турларидан бири сифатида жамият манфаати учун ҳақ тўланмайдиган меҳнат жорий қилинган. Шу сингари кўплаб хориж давлатларида, қоида тариқасида, жиноий жавобгарликка тортиладиган, катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган қилмиши учун, маҳкумни асосий иши ёки ўқишидан тўхтатмаган ҳолда ижро этиладиган бепул жамоат ишлари тайинланади.

Агар маҳкум жамият учун хавф туғдирмаса, демак, унга нисбатан аввалги ижтимоий муҳитдан ажратмаган ҳолда жазонинг мақсадларига эришиш мумкин. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда унга нисбатан судьялар томонидан ҳукм чиқарилаётганда кўпинча изоляция элементисиз дарҳол жазо тайинлаш мақсадга мувофиқроқ бўлар эди.

Маълумки, мажбурий жамоат ишлари — бу маҳкумнинг асосий иш ва ўқиш вақтидан бўш бўлган вақтда бепул жамоат ишларининг бажарилишига жалб этилишида ифодаланадиган жазо тури ҳисобланади. Жамоат ишлари суд томонидан 16 ёшдан ошган шахсларга жиноят учун жазо тури сифатида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тури қўлланилиши мумкин бўлган ҳолда, маҳкумнинг шахси мазкур жазога мувофиқ эканлигига суднинг ишончи комил бўлсагина тайинланади.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси умумий қисмининг тааллуқли моддасига «мажбурий жамоат ишлари» жазосини киритилиши мақсадга мувофиқ бўлди. Бу ўз навбатида, судда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш имкониятини янада кенгайтиради.

Ушбу жазо турининг тарихига назар соладиган бўлсак, суднинг ҳукми билан айбли деб топилган шахсни жамоат ишларига жалб этиш илк бор 1975 йилда Англия ва Уелсда муқобил жазо сифатида жорий этилган. Унинг мақсади жиноятчиликнинг олдини олиш ва айбдорнинг қайта ижтимоийлашувига ва даромадсиз ташкилотлар, уюшмалар, черковлар учун

ҳар хил турдаги ижтимоий фойдали фаолиятни бажариш орқали қўмаклашишга жалб этиш орқали маҳкумни ахлоқан тузатишдан иборат бўлган.

Битирув малакавий ишимизни таҳлил қилиш давомида бир қанча МДХ давлатлари ҳамда Россия олимларининг илмий ишлари ва мақолаларидан фойдаландик. Масалан, Ветрила Е.В, Грушин Ф.В, Коваленко А.П, Колосов А.С, Лядев Э.В, Рогова Е.В, Славская Н.В, Хорошко И.В, Чурбаков В.В каби бир қанча олимлар мазкур иш устида илмий изланишлар олиб боришган. Лекин ҳозирги кунда давлатимизда ушбу мавзу доирасида ҳали илмий ишлар амалга оширилмаганлигини кўриш мумкин.

Жиноят қонунчилигида қўлланиладиган жазо турлари Жиноят кодекси 43-моддасида қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга ушбу жазо турларидан бошқа жазо турлари қўлланилиши мумкин эмас.

“Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- б¹) мажбурий жамоат ишлари;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д¹) озодликни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин”¹. Муайян жазо турлари жамулжам ҳолда жазо тизимини ташкил этади.

а) жазоларнинг уйғунлигига қараб асосий ва қўшимча жазоларга;

б) субъектларнинг хусусиятига қараб ҳар қандай шахсларга тайинланувчи умумий жазоларга ва муайян шахслар доирасига тайинланувчи махсус жазоларга ажратилади.

Шунингдек, жиноий жазоларни ҳуқуқий, психологик ва педагогик мезонларга кўра фарқлаш ҳам мумкин. Ҳуқуқий мезонларга кўра:

-жазони муҳимлик даражасига ва тайинлаш тартибига; жазонинг ижро этилиши билан боғлиқ чеклашларнинг оғирлигига; жазо тайинланган субъектларнинг ўзига хос хусусиятларига;

-уларни бошқа жазолар ёки бошқа ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари билан алмаштириш имкониятига, шартли жазо бериш имкониятига, жазони муайян муддатга тайинлаш имкониятига қараб жиноий жазоларни турлича фарқлаш мумкин.

Психологик мезонларга кўра:

- маҳкумнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муайян даражада чеклайдиган ёки уни ўз сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларидан, меҳнат қилиш ҳуқуқидан ҳамда бошқа ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланиш имкониятидан тўла маҳрум этадиган; маҳкумнинг ҳаётига ёки унинг ҳаракатланиш жисмоний ҳуқуқига қарши қаратилган жазолар фарқланади.

Педагогик мезонларга кўра:

- давлат таъсири билан боғлиқ жазолар; ҳам давлатнинг тарбиявий таъсири ҳам жамоатчилик таъсири остида ижро этилувчи жазолар; тайинланиши жамоатчилик таъсири билан боғлиқ бўлган жазолар фарқланади.

Бундан ташқари жазолар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган ва у билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш кабилар киради.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларга: интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари киради.

Мажбурий жамоат ишлари жазоси жиноят қонунчилигига янги киритилган жазо тури ҳисобланиб, мазкур жазо Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонунига асосан жиноят қонунчилигига жиноий жазо сифатида киритилган. Ушбу жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларни маош

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2019 йил 1 июлгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази. 2019 й. – 552 б.

тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишда ифодаланади. Агар ушбу жазо қўлланилган шахс бирор жойда ишласа ёки таълим олса унинг ишдан ёки ўқишдан ажралмаган ҳолда мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташи таъминланади.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жиноий жазо жиноят кодекси 45¹-моддасида белгиланган муддатлардан ошмаган ҳолда, яъни:

- бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга;
- олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ижро этиш шарти билан тайинланади.

Бироқ, жазонинг ўташ даврида маҳкум билан боғлиқ бўлмаган узилишлар юз берса жазони ижро этиш кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда бир йилгача бўлган муддатда ўталади.

Жамиятдаги айрим шахсларга Мажбурий жамоат ишлари жазосини қўллаб бўлмайди. Қуйидаги шахсларга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жиноий жазони қўллашга йўл қўйилмайди:

- пенсия ёшига етганлар;
- ўн олти ёшга тўлмаганлар;
- ҳомиладор аёллар;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;
- ҳарбий хизматчилар;
- чет эл фуқаролари;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиганлар.

Амалиётда Мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинланган шахс жазони ўташдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ушбу ҳолатларда суд жазонинг ўталмаган муддатини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолардан бирига алмаштиради. Бунда мажбурий жамоат ишларининг тўрт соати озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисобланади. Бироқ, маҳкум мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, маҳкум мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаган ҳолларда унинг нисбатан оғирроқ жазо турлари ҳисобланган озодликдан чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштиришда номутоносибликни кўриш мумкин. Яъни мазкур ҳолатда маҳкум ушбу жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда қонунчилигимизга кўра унинг тўрт соатини озодликдан чеклаш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенг қилиб алмаштирилади. Лекин ушбу ҳолатда маҳкумлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ нисбатан оғирроқ бўлганлиги туфайли ушбу иккала жазони

алмаштиришда ҳам тафовут бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли маҳкум мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаган тақдирда ушбу жазонинг 6 соатини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига ўзгартириш белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари мажбурий жамоат ишлари жазосининг ижросини таъминлаш бўйича ҳам назоратни кучайтириш лозим бўлади. Чунки амалиётда мазкур жазонинг ижроси бўйича камчиликлар кўзга ташланади. Маълумки, жазони тайинлашдан мақсад маҳкумни қайсидир маънода камситиш эмас балки, уни қайта тарбиялашдан иборат ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун тайинланган жазо маҳкумга албатта ўз таъсирини кўрсатиши лозим бўлади.

Юртимизда олиб борилаётган кўплаб ислохотлар самараси ўлароқ мажбурий жамоат ишлари жазосининг давлатимиз жинойт қонунчилигига киритилиши қонунчилик тизимидаги жазоларни либераллаштиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашда улкан қадамлардан бири бўлди. Мазкур жазо турининг жазо тизимига киритилиши нафақат фуқароларнинг балки, давлатимизнинг иқтисодий-ижтимоий соҳасида ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Мажбурий жамоат ишлари жазоси юқорида айтганимиздек, маҳкумнинг иш ва ўқишидан бўш вақтларида жамият учун фойдали бўлган турли хил ишларни, меҳнати учун ҳақ тўланмаган ҳолда амалга оширида ифодаланади. Бундан кўринадики, мазкур жазо турини тайинлаш давлатни ортикча харажатлардан, яъни агарда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолардан биронтаси тайинланадиган бўлса, мазкур жазонинг ижросини амалга ошириш учун албатта давлат бюджетидан маълум миқдорда маблағ ажратилади. Чунки ҳар бир маҳкумга тайинланган жазони ижро этиш унга бериладиган озик-овқат, кийим-кечак, уларни сақлаш жойларидаги турли хил харажатлар ва шунга ўхшаш кўплаб харатларни талаб қилади ва бу ўз-ўзидан давлат бюджетига катта миқдорда зарар келтиради. Шу туфайли ҳам маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан бири ҳисобланган Мажбурий жамоат ишлари жазосининг тайинланиши давлат учун харажат талаб қилмаслиги билан бир қаторда маҳкум томонидан жамият учун фойдали ишларнинг бажарилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

- I. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодекси. (2021 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т.: “Yuridik adabiyotlar publish” 2021;
- II. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Инсон ҳуқуқлари. – Т.: Адолат, 2010;
- III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/3735818>;

IV. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi. Umumiy qism: Chizmalar albomi // A.S.Yakubov, R.Kabulov, B.B.Matlyubov, D.Y.Payziyev, T.R.Kuchkarov. - T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi. 2014;

Уголовный кодекс Франции.

V. https://yurist-online.org/laws/foreign/criminalcode_fr/_doc-5-.pdf.